

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил сентябрь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси А.Омонов, судья ёрдамчиси З.Рахматиллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси М.Султонова, судланувчи Б.И. ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Эргашевларнинг иштирокида Б.И.га нисбатан 1-1503-2105/--сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларга кўра:

Б.И. (Б.И.) 1984 йил ---да Учкўприк туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 1 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Учкўприк тумани, -- м.ф.й., ---- қишлоғи, --- кўчаси рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 25 августда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.И. 2020 йил март ойида ўзи фойдаланиб келаётган “Samsung A30” русумли уяли алоқа телефон аппаратида интернет жаҳон ахборот тармоғидаги сайтлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланган, жамоат тартибига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган Рафиқ қори Камоловнинг “Ислонда ҳижоб фарзлиги, 8 март аёлларнинг эрки куфр томонидан топталган кун эканлиги, аёлларни табриклаган эркак кофир бўлиши тўғрисидаги ва бошқа фикрлари келтирилган ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни юклаб олиб, уни тинглаб, ушбу маърузани ўзининг уяли алоқа телефонида келгусида тарқатиш мақсадида сақлаб, 2020 йилнинг 6 март куни соат 16:48 да интернетнинг жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “Телеграм” ижтимоий тармоғидаги “Устоз” номли профилига ҳамда Учкўприк тумани Шодлик кўчаси 51-уй, 1-хонадонда яшовчи Х.Рўзибоевга тарқатганлиги аниқланган.

Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 26 май кунги ДА080-сонли судга оид адабиётшунослик экспертизаси хулосасига кўра, Б.И.дан олинган “Samsung A30” русумли уяли алоқа телефонидаги файлларда Рафиқ қори



Камоловнинг “Ислонда ҳижоб фарзлиги, 8 март аёлларнинг эрки куфр томонидан топталган кун эканлиги, аёлларни табриклаган эркак кофир бўлиши тўғрисидаги маърузалари мавжуд бўлиб, ушбу маърузалардаги маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги аниқланган.

Судланувчи Б.И. судда, айбига қисман иқрор бўлиб, Учкўприк тумани марказидаги Хумо тўқимачилик фабрикасида механик бўлиб ишлаши, “Samsung Galaxy A30” русумли уяли алоқа телефони “Мерос” савдо марказидан 2019 йилнинг охирида сотиб олиб, унга жияни Абдумутал номига олинган 99891-140-68-68 абонент рақамини ҳамда ўзини номидаги 88-629-20-20 рақамли сим картани қўйиб ишлатиб келиши, ушбу 99891-140-68-68 рақамли сим картага интернетнинг телеграм ижтимоий тармоғи орқали ўзига “Исроилов Бахромхўжа” деб профиль очгани, у телеграм ижтимоий тармоғида “Қўқон номер-1”, “Қариндошлар” “Аёллар либослари” гуруҳлари мавжуд бўлгани, телеграм каналларидан келиб қолган диний маърузаларни ўқиб кўриб, телеграмдаги танишларига яхши йўлга юрсин, хулоса чиқарсин деб ташлагани, 2021 йил 19 май куни соат 15:00 ларда ўзини ишлари билан Қўқон шаҳрида жойлашган “Айво бургер” ошхонасида овқатланиб ўтирганида олдиға фуқаролик кийимида икки нафар шахс келиб, ўзларини ИИБ терроризмга қарши курашиш бўлими ходимлари деб таништириб, ундан ўзига тегишли бўлган “SAMSUNG A30” русумли телефони беришини талаб қилишганида, ИИБ ходимларига телефони бергани, улардан сабабини сўрашганида телефони текшириб кўришларини айтишиб, уни Қўқон шаҳар ИИБ биносига олиб келишгани, телефони кўздан кечириб, телефонида Интернетнинг «Odnoklassniki.ru» ижтимоий тармоғидаги «Bahromhoja Isroilov» профили орқали жами бўлиб 202 та дўстлари, 6 қайдлари ва 225 та фотосуратлар ҳамда 28 та гуруҳлардан иборатлиги аниқланганлигини ва 31.03.2021 йилда давомийлиги 10:20 дақиқа бўлган Абдуллоҳ домланинг «Фарзанд тарбияси» номли маърузаси, давомийлиги 1:01 дақиқа бўлган Абдували Мирзаевнинг маърузаси, 14.03.2021 йил кунги давомийлиги 15:56 сония бўлган Абдувалиқори Мирзаевнинг маърузаси ва бошқа диний мазмундаги маърузаларни “Друзя” бўлимидаги дўстларига тарқатганлиги аниқлангани, шунингдек, кўздан кечириш давомида Интернетнинг «Telegram» мессенджерига кирилганда, мазкур мессенджер +99891-140-68-68 рақамига «Bahromhoja Isroilov» номли профиль остида расмийлаштирилгани, ушбу профилига кирилганда, унда «Ustoz» номли +99891-202-24-41 рақамига расмийлаштирилган профилга 15.03.2019 йил куни Абдували Мирзаевга тегишли давомийлиги 25:00 дақиқадан иборат “Ёхуд сифат мусулмонлар” номли маърузаси, 17.03.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 20:53 дақиқадан иборат “Дўст ҳақида” номли маърузаси, 14.05.2019 йил куни номаълум домланинг “Нашидалар” номли маърузаси, ушбу «Telegram» мессенджерда мавжуд бўлган +99891-698-24-42 рақамига очилган «Ustoz» номли профилга



01.04.2019 йил куни Содиқ Самарқандийнинг давомийлиги 00:53 дақиқадан иборат бўлган “Соқол тўғрисида” номли маърузаси, 15.04.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 1:01 дақиқадан иборат бўлган “Ернинг яралиши” номли маърузаси, 18.09.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 00:42 дақиқадан иборат бўлган маърузаси, 06.03.2020 йил куни соат 16:48 да Рафиқ қорининг давомийлиги 5:05 дақиқадан иборат бўлган, 12.8МБ бўлган, “2_5409156978805048654.mp4” номли файлдаги “8-март ислом уммати аёлларига.....” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 33:18 дақиқадан иборат бўлган “Аллоҳнинг мўмин бандалари,,,,” номли маърузаси, 09.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган “Ўтмишга саёҳат” номли маърузаси, 11.05.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснингнинг давомийлиги 4:10 дақиқадан иборат бўлган Нашидалари, 19.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 01:38 дақиқадан иборат бўлган “Қадр кечаси” номли маърузаси, 06.06.2020 йил куни Абдулазиз Комиловнинг давомийлиги 4:59 дақиқадан иборат бўлган “Кахф сураси” номли маърузаси, 10.11.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 3:35 дақиқадан иборат бўлган “Покистонда талабалар эрталабки йиғилишда Аллоҳнинг 99 исмини зикр қилишар экан” номли маърузаси, 28.03.2021 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган нашидаси каби аудио ва видео материалларни юборилганлигини, ушбу «Telegram» мессенджерда мавжуд бўлган +99890-405-87-90 рақамига очилган «Зохитжон» номли профилга 10.03.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 50:41 дақиқадан иборат бўлган “Катта гуноҳлардан сеҳр” номли маърузаси, 14.03.2018 йил куни Абдуллоҳ Домланинг давомийлиги 5:55 дақиқадан иборат бўлган “Эрга теккан қиз” номли маърузаси, 24.03.2018 йил куни Улуғбек қорининг давомийлиги 9:46 дақиқадан иборат бўлган “Бенамозлик” номли маърузаси, 28.07.2018 йил куни соат 21:31 да номаълум ижрочининг давомийлиги 4:27 дақиқадан иборат бўлган “Мажбуран буддизга турмушга чиққан Ойша” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 32:45 дақиқадан иборат бўлган “Лаънатланган иблис” номли маърузаси, 19.03.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 1:57 дақиқадан иборат бўлган “Ислом йигитлари қаерга қараб кетмоқда, нима жаннатдан умидлари йўқми” номли маърузаси, 13.07.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 5:21 дақиқадан иборат маърузаси, 28.12.2020 йил куни номаълум қорининг давомийлиги 00:21 дақиқадан иборат бўлган “соқол вожибми” номли маърузаси, номаълум ижрочининг давомийлиги 00:54 дақиқадан иборат бўлган “ҳижоб ҳақида” номли маърузаларини жўнатганлик ҳолатларини айтишгани, шунда ИИБ ходимларига бу маърузалардан “Сеҳр ҳақида” маърузаси борлигини билишини, қолган маърузалар уни телефонида борлигини билмаслиги, юборган бўлса ҳам ҳозир эслай олмаслигини, қилган иши жиноят ҳисобланишини билмагани,



қилган ишидан пушаймонлигини , енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, суд, судланувчи Б.И.нинг айби, қуйидаги далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди;

Гувоҳ Х.Рўзибоев судда, у ўзига тегишли бўлган “SAMSUNG A 30” русумли телефони 2019 йилда сотиб олгани, ушбу телефонга 91-689-24-42 рақамли сим картани ўрнатиб, 2021 йил 19 май кунига қадар ишлатиб келгани, ушбу телефони ёрдамида интернетнинг телеграм ижтимоий тармоғи орқали ўзининг дўстлари ва яқинлари билан гаплаши туриши, 2021 йил 19 май куни соат 17:30 ларда ишларини тугатиб, яшаш хонадонига кетаётганида ИИБ ходимлари ёнига келиб унга тегишли бўлган “SAMSUNG A30” русумли телефони текшириб кўришлик учун Қўқон шаҳар ИИБ биносига таклиф қилишгани, ИИБ ходимлари билан бирга боргани, ИИБ биносида у билан бирга ишлаган Б.И.ни кўргани, ИИБ ходимлари холислар ва мутахассис ёрдамида уни телефон апаратини хотирасини кўздан кечириш учун тақдим қилишини сўрашгани, ИИБ ходимлари, холислар ва мутахассис иштирокида телефони кўздан кечириш давомида ушбу телефонда Интернетнинг «Telegram» мессенджери мавжуд эканлиги, унда +99891-689-24-42 рақамига «Хамрой Рўзибоев» номли профиль расмийлаштирилганлиги аниқлангани, ушбу профилига кирилганда, унинг ёзишмалар бўлимида «Бахромхўжа» номли, +99891-140-68-68 рақамига расмийлаштирилган профиль мавжудлиги, ушбу профилнинг эгаси Б.И. унга тегишли бўлган профилга 01.04.2019 йил куни Содиқ Самарқандийнинг давомийлиги 00:53 дақиқадан иборат бўлган “Соқол тўғрисида” номли маърузаси, 15.04.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 1:01 дақиқадан иборат бўлган “Ернинг яралиши” номли маърузаси, 19.06.2019 йил куни Солихон Домлага тегишли бўлган давомийлиги 2:15 дақиқадан иборат “Бу гапларига кулиш эмас йиғлашимиз керак” номли маърузаси, 04.07.2019 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 1:00 дақиқадан иборат “Бизни хотиржам қилиб қўймасин” номли маърузаси, 15.07.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг “Аёллар ҳақида” номли маърузаси, 15.07.2019 йил куни Мишарий Рашид Ал-асафийнинг, давомийлиги 00:56 дақиқадан иборат маърузаси, 06.03.2020 йил куни соат 16:48да Рафиқ қорининг давомийлиги 5:05 дақиқадан иборат бўлган, 12.8МБ бўлган, “2_5409156978805048654.mр4” номли файлдаги “8-март ислом уммати аёлларига.....” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 33:18 дақиқадан иборат бўлган “Аллоҳнинг мўмин бандалари,,,,,” номли маърузаси, 09.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган “Ўтмишга саёҳат” номли маърузаси, 11.05.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснингнинг давомийлиги 4:10 дақиқадан иборат бўлган Нашидалари, 19.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 1:38 дақиқадан иборат бўлган “Қадр кечаси” номли маърузаси, 06.06.2020 йил куни Абдулазиз Комиловнинг давомийлиги 4:59 дақиқадан иборат бўлган “Кахф сураси” номли



маърузаси, 10.11.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 3:35 дақиқадан иборат бўлган “Покистонда талабалар эрталабки йиғилишда Аллоҳнинг 99 исмини зикр қилишар экан” номли маърузаси, 28.03.2021 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган нашидаси номли видео ва аудио материалларни юборганлиги, аниқлангани, телефонда аниқланган ушбу хоҳлатлар скриншот усулида расмга олиниб, қоғозга чоп этилгани, шунингдек аниқланган видео ва аудио материаллардан нусхалар олиниб ДВД дискка кўчирилгани, унга тегишли бўлган ушбу “SAMSUNG A 30” русумли телефони ашёвий далил тариқасида баённома тузиб олингани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Бурхонов судда, 2021 йил 20 май куни соат 14:30 ларда шахсий ишлари билан шериги Акбарали ака билан бирга Қўқон шаҳар ИИО ФМБ биносини олдида юрган вақтида фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келишиб, улардан бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этишларига розилик сўрашгани, улар ўз хоҳишлари билан бунга рози бўлишгани, ИИБ биносига киришгани, Б.И. томонидан тақдим қилинган «SAMSUNG A 30» русумли қора рангли телефони хотираси, у Акбарали ака ҳамда мутахассис А.Абдувоҳидов ёрдамида текширилганда Б.И.га тегишли бўлган +99891-140-68-68 телефон рақамига очилган Интернетнинг «Odnoklassniki.ru» ижтимоий тармоғидаги «Bahromhoja Isroilov» профилида жами бўлиб 202 та дўстлари, 6 қайдлари ва 225 та фотосуратлар ҳамда 28 та гуруҳлар мавжудлиги, ушбу профилга 31.03.2021 йилда давомийлиги 10:20 дақиқа бўлган Абдуллоҳ домланинг «Фарзанд тарбияси» номли маърузаси, 14.03.2021 йил кунги давомийлиги 15:56 сония бўлган Абдувалиқори Мирзаевнинг маърузалари ва бошқа диний мазмундаги фото-видеоматериалларни ижобий баҳолаб, уларни тарқатганлиги, шунингдек, кўздан кечириш давомида, ушбу уяли телефон аппаратининг «Telegram» мессенджерига кирилганда, мазкур мессенджер +99891-140-68-68 рақамига «Bahromhoja Isroilov» номли профиль остида расмийлаштирилганлиги, ушбу профилга кирилганда, унда «Ustoz» номли, +99891-202-24-41 рақамига расмийлаштирилган профилга 15.03.2019 йил куни Абдували Мирзаевга тегишли давомийлиги 25:00 дақиқадан иборат “Ёхуд сифат мусулмонлар” номли маърузаси, 17.03.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 20:53 дақиқадан иборат “Дўст ҳақида” номли маърузаси, 14.05.2019 йил куни номаълум домланинг “Нашидалар” номли маърузаси, ушбу «Telegram» мессенжерда мавжуд бўлган +99891-698-24-42 рақамига очилган «Ustoz» номли профилга 01.04.2019 йил куни Содиқ Самарқандийнинг давомийлиги 00:53 дақиқадан иборат бўлган “Соқол тўғрисида” номли маърузаси, 15.04.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 1:01 дақиқадан иборат бўлган “Ернинг яралиши” номли маърузаси, 18.09.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 00:42 дақиқадан иборат бўлган маърузаси, 06.03.2020 йил куни соат 16:48да Рафиқ қорининг давомийлиги 05:05 дақиқадан иборат бўлган, 12.8МБ бўлган, “2_5409156978805048654.mp4” номли файлдаги “8-март ислом уммати



аёлларига.....” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 33:18 дақиқадан иборат бўлган “Аллоҳнинг мўмин бандалари,,,,,” номли маърузаси, 09.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган “Ўтмишга саёҳат” номли маърузаси, 11.05.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснингнинг давомийлиги 4:10 дақиқадан иборат бўлган Нашидалари, 19.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 1:38 дақиқадан иборат бўлган “Қадр кечаси” номли маърузаси, 06.06.2020 йил куни Абдулазиз Комиловнинг давомийлиги 4:59 дақиқадан иборат бўлган “Кахф сураси” номли маърузаси, 10.11.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 3:35 дақиқадан иборат бўлган “Покистонда талабалар эрталабки йиғилишда Аллоҳнинг 99 исмини зикр қилишар экан” номли маърузаси, 28.03.2021 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган нашидаси, ушбу «Telegram» мессенджерда мавжуд бўлган +99890-405-87-90 рақамига очилган «Зохитжон» номли профилга 10.03.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 50:41 дақиқадан иборат бўлган “Катта гувоҳлардан сеҳр” номли маърузаси, 14.03.2018 йил куни Абдуллоҳ Домланинг давомийлиги 5:55 дақиқадан иборат бўлган “Эрга теккан қиз” номли маърузаси, 24.03.2018 йил куни Улуғбек қорининг давомийлиги 9:46 дақиқадан иборат бўлган “Бенамозлик” номли маърузаси, 28.07.2018 йил куни соат 21:31да номаълум ижрочининг давомийлиги 4:27 дақиқадан иборат бўлган “Мажбуран буддизга турмушга чиққан Ойша” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 32:45 дақиқадан иборат бўлган “Лаънатланган иблис” номли маърузаси, 19.03.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 1:57 дақиқадан иборат бўлган “Ислом йигитлари қаерга қараб кетмоқда, нима жаннатдан умидлари йўқми” номли маърузаси, 13.07.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 5:21 дақиқадан иборат маърузаси, 28.12.2020 йил куни номаълум қорининг давомийлиги 00:21 дақиқадан иборат бўлган “соқол вожибми” номли маърузаси, номаълум ижрочининг давомийлиги 00:54 дақиқадан иборат бўлган “ҳижоб ҳақида” номли диний мазмундаги маърузаларини юборганлик ҳолати аниқлангани, телефондаги ушбу ҳолатлар скриншот қилингани, ҳамда Б.И.га тегишли бўлган ушбу «SAMSUNG A 30» русумли телефони конвертга солиниб “Маълумот учун” муҳри билан муҳрланиб, ИИБга далилий ашё сифатида олингани, баённома бир нусхада тузилиб, улар ва телефон эгасига баланд овозда ўқиб эшиттирилгани, телефон эгасидан қўшимча ва эътирозлар тушмагани, у ушбу жараёнларда холис сифатида иштирок этгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Абдувоҳидов судда, 2021 йил 19 май куни Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари уни Қўқон шаҳар ИИБга мутахассис сифатида чақиришгани, шундан сўнг ИИБга келганида ИИБ ЖҚБ ходимлари унга Б.И.нинг уяли алоқа телефонини ашёвий далил тариқасида олишгани, ушбу уяли алоқа телефонини холислар иштирокида кўздан кечиришда мутахассис сифатида иштирок этиб беришини сўрашгани, Б.И. томонидан тақдим



қилинган «SAMSUNG A 30» русумли қора рангли телефони у ва икки нафар холислар ёрдамида кўздан кечирганида фуқаро Б.И.га тегишли бўлган +99891-140-68-68 телефон рақамига очилган Интернетнинг «Odnoklassniki.ru» ижтимоий тармоғидагида «Bahromхоја Isroilov» профилида жами бўлиб 202 та дўстлари, 6 қайдлари ва 225 та фотосуратлар ҳамда 28 та гуруҳлар мавжудлиги, ушбу профилга 31.03.2021 йилда давомийлиги 10:20 дақиқа бўлган Абдуллоҳ домланинг «Фарзанд тарбияси» номли маърузаси, 14.03.2021 йил кунги давомийлиги 15:56 сония бўлган Абдувалиқори Мирзаевнинг маърузалари ва бошқа диний мазмундаги фото-видеоматериалларни ижобий баҳолаб, уларни тарқатганлиги, шунингдек, кўздан кечириш давомида, ушбу уяли телефон аппаратининг «Telegram» мессенджерига кирилганда, мазкур мессенджер +99891-140-68-68 рақамига «Bahromхоја Isroilov» номли профиль остида расмийлаштирилганлиги, ушбу профилга кирилганда, унда «Ustoz» номли, +99891-202-24-41 рақамига расмийлаштирилган профилга 15.03.2019 йил куни Абдували Мирзаевга тегишли давомийлиги 25:00 дақиқадан иборат “Ёхуд сифат мусулмонлар” номли маърузаси, 17.03.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 20:53 дақиқадан иборат “Дўст ҳақида” номли маърузаси, 14.05.2019 йил куни номаълум домланинг “Нашидалар” номли маърузаси, ушбу «Telegram» мессенджерига мавжуд бўлган +99891-698-24-42 рақамига очилган «Ustoz» номли профилга 01.04.2019 йил куни Содиқ Самарқандийнинг давомийлиги 00:53 дақиқадан иборат бўлган “Соқол тўғрисида” номли маърузаси, 15.04.2019 йил куни Абдуллоҳ домланинг давомийлиги 1:01 дақиқадан иборат бўлган “Ернинг яралиши” номли маърузаси, 18.09.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 00:42 дақиқадан иборат бўлган маърузаси, 06.03.2020 йил куни соат 16:48да Рафиқ қорининг давомийлиги 05:05 дақиқадан иборат бўлган, 12.8МБ бўлган, “2_5409156978805048654.mр4” номли файлдаги “8-март ислом уммати аёлларига.....” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 33:18 дақиқадан иборат бўлган “Аллоҳнинг мўмин бандалари,,,,,” номли маърузаси, 09.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган “Ўтмишга саёҳат” номли маърузаси, 11.05.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснингнинг давомийлиги 4:10 дақиқадан иборат бўлган Нашидалари, 19.05.2020 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 1:38 дақиқадан иборат бўлган “Қадр кечаси” номли маърузаси, 06.06.2020 йил куни Абдулазиз Комиловнинг давомийлиги 4:59 дақиқадан иборат бўлган “Кахф сураси” номли маърузаси, 10.11.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 3:35 дақиқадан иборат бўлган “Покистонда талабалар эрталабки йиғилишда Аллоҳнинг 99 исмини зикр қилишар экан” номли маърузаси, 28.03.2021 йил куни номаълум домланинг давомийлиги 00:59 дақиқадан иборат бўлган нашидаси, ушбу «Telegram» мессенджерига мавжуд бўлган +99890-405-87-90 рақамига очилган «Зохитжон» номли профилга 10.03.2019 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 50:41 дақиқадан иборат бўлган “Катта гуноҳлардан сеҳр” номли маърузаси,



14.03.2018 йил куни Абдуллоҳ Домланинг давомийлиги 5:55 дақиқадан иборат бўлган “Эрга теккан қиз” номли маърузаси, 24.03.2018 йил куни Улуғбек қорининг давомийлиги 9:46 дақиқадан иборат бўлган “Бенамозлик” номли маърузаси, 28.07.2018 йил куни соат 21:31да номаълум ижрочининг давомийлиги 4:27 дақиқадан иборат бўлган “Мажбуран буддизга турмушга чиққан Ойша” номли маърузаси, 18.03.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 32:45 дақиқадан иборат бўлган “Лаънатланган иблис” номли маърузаси, 19.03.2020 йил куни Муҳаммад Хаблуснинг давомийлиги 1:57 дақиқадан иборат бўлган “Ислом йигитлари қаерга қараб кетмоқда, нима жаннатдан умидлари йўқми” номли маърузаси, 13.07.2020 йил куни номаълум ижрочининг давомийлиги 5:21 дақиқадан иборат маърузаси, 28.12.2020 йил куни номаълум қорининг давомийлиги 00:21 дақиқадан иборат бўлган “соқол вожибми” номли маърузаси, номаълум ижрочининг давомийлиги 00:54 дақиқадан иборат бўлган “ҳижоб ҳақида” номли диний мазмундаги маърузаларини жўнатганлик ҳолати аниқлангани, телефондаги ушбу ҳолатлар скриншот қилингани, Б.И.га тегишли бўлган ушбу «SAMSUNG A 30» русумли қора рангли телефони конвертга солиниб “Маълумот учун” муҳри билан муҳрланиб, ИИБга далилий ашё сифатида олингани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи Б.И.нинг айби, жиноят ишидаги далилий ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва фото илова, суд-адабиётшунослик экспертизасининг хулосалари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, судланувчи Б.И. ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракати билан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаб, тарқатиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Суд, судланувчи Б.И.га жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилган ҳолда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчи эканини инobatга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида олинган “Samsung Galaxy A30” русумли уяли алоқа воситаси маълумотлар ўчирилганидан сўнг давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топди.



Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Б.И. (Б.И.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

Б.И.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Б.И.га озодликни чеклаш жазосини соат 20:00 дан соат 6:00 гача яшаш жойида ўташи белгилансин.

Жазо ўташ муддати маҳкум Учкўприк туман ИИБ Пробацяя гуруҳи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б.И.га зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, интернетдан фойдаланмаслик қўшимча тақиқлар юклатилсин.

Б.И.га нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олиниб, ЖИБ Қўқон шаҳар судида сақланаётган “Samsung Galaxy A30” русумли уяли алоқа воситаси давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

А.Омонов

Нухаси аслига тўғри:

А.Омонов

